
Алимент тўлашдан қочиб юрган оталар 15 суткага қамалди

Мажбурий ижро бюроси Фуркат туман бўлими иш юритувида бўлган алимент ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари бўйича узоқ муддатдан буён алимент қарздорлигини тўлашдан бўйин товлаб келаётган 10 нафар қарздорга нисбатан ҳужжатлар МЖТКнинг 47-4-моддаси бўйича қонуний чора кўриш учун тайёрланди.

Тайёрланган ҳужжатлар бўйича 3 нафар қарздорлар ундирувчи билан ўзаро ярашиб олганлиги сабабли ундирувчининг аризасига асосан ижро ҳужжати "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 40-моддаси тартибида тамомланди ҳамда 1 нафар қарздорнинг яқинлари томонидан 6 450 000 сўмлик қарзи тўланди.

6 нафар қарздорлар:

М.Мамажонов 14 000 000 сўм, Р.Эргашев 4 667 000 сўм, А.Шерқулов 12 259 602 сўм, А.Холматов 10 776 000 сўм, О.Хақимов 5 359 000 сўм қарздорликни тўламаганликлари сабабли уларга нисбатан суд томонидан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг
Фуркат тумани бўлими давлат ижрочиси М.Давидов**

2022-05-26 21:35:40